

**МУҲАНДИС ТАЛАБАЛАРНИНГ ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ
ШАКЛЛАНИШИДА МИЛЛИЙ АДАБИЁТНИНГ ЎРНИ
(Мақсад Шайхзода ижоди мисолида)**

Илмий раҳбар: **Баратов Р.Ў.**

ТДТрУ талабаси: **Ўринбоев Ф.Ф.**

Тошкент давлат транспорт университети

АННОТАЦИЯ

Бу мақолада шоур *Мақсад Шайхзода* ижодида илгари сурилган фикрлардан келиб чиқиб Республика олий таълим тизимида ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаши муаммолари кўриб чиқилган. Муаллифнинг фикрича, олий ўқув даргоҳларида ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашдан асосий мақсад уларни таълим жараёни орқали тарбиялаши ва маънан етук мутахасислар қилиб тайёрлашдан иборат. Муаллиф таъбири билан айтганда, *Мақсад Шайхзоданинг лирик фаласафий ва ватанпарварлик руҳида ёзилган асарлари ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашида, пировардида, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашида муҳим ўрин тутади*.

Калим сўзлар: анъаналар, ёшлар, руҳ, маънавий шахс, ватанпарварлик, таълим-тарбия, ватанпарварлик тарбияси, замонавий тарбия, Ватан, шеърият, мақсадлар, анъаналар, ёшлар, маънавий шахс.

ABSTRACT

This article examines the problems of educating young people in the spirit of love for the Motherland in the higher education system of the Republic based on the ideas expressed in the work of the poet Maksud Shaykhzada. According to the author, the main goal of educating young people in higher educational institutions in the spirit of love for the Motherland is to educate them through the educational process and prepare them to become mature specialists. According to the author, Maksud Sheykhzade's lyrical, philosophical and patriotic works play an important role in educating young people in the spirit of love for the Motherland, and in the end, in educating them as morally perfect people.

Key words: traditions, youth, spirit, spiritual personality, patriotism, education, patriotic upbringing, modern education, Motherland, poetry, goals, traditions, youth, spiritual personality.

КИРИШ

Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади.

*Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиши,
уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришида
адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиши керак..*

Шавкат Мирзиёев

Инсоният азалдан бадиий адабиётга катта қизиқиш билан қарайди. Негадир кейинги йилларда одамлар адабиётдан йироқлашди. Сабабларини ўзимизнинг фикрларимиз билан изоҳламоқчимиз. Глобаллашувнинг шиддатли тус олаётгани одамларни нафақат адабиётдан, бир қанча инсоний фазилатлардан ҳам ажратиб қўймоқда. Аслида адабиёт ким қандай қасб эгаси бўлишидан қатъий назар дил торларини оҳиста чертадиган, шу аснода аста секин қалбни поклайдиган сеҳрга эга.

Адабиёт, одатда, узоқ даврлардан бери эпос, лирика ва драма сингари уч адабий турга бўлинади. Булар ҳаётнинг қайси томонига кўпроқ эътибор бериши ва қай тарзда акс эттиришига қараб бир-биридан фарқланади. Эпосда ёзувчини қуршаган ташқи дунё ва ундаги воқеа-ҳодисалар, лирикада лирик қаҳрамондаги шахсий ҳис-туйғулар, ўй-фикрлар, драмада ёзувчи иштирокисиз бўлган харакатлар, ўзаро муносабатлар етакчи ўринда туради.

Сўнгги йилларида ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори адабиёт соҳаси ҳам янгиланиш ва юксалиш жараёнларини бошдан кечирди. Бугунги кунда олиб борилаётган давлат сиёсатида маънавият масаласига энг муҳим ва устувор йўналиш сифатида катта аҳамият берилмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг маънавий қудрати ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқ. Шу боис, ўз тарихини, маънавиятини, руҳий-маданий қадриятларини англашга янгича ёндашиш жараёни яққол сезилаётган айни кунларда буюк ўзбек адабиёти мутафаккирларининг ижодий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилди. Юртимизда ёш авлоднинг маданий-маърифий савиясини юксалтириш мақсадида атоқли ёзувчи ва шоирларнинг тарихий хотирасини абдийлаштириш мақсад қилиб олинганлиги ҳам бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг “адабиёт — халқнинг юраги ва маънавияти” деган таъкидида халқимиз маънавий камолотининг асосини таъминловчи ёзувчи ва шоирларимиз муҳим ўрин тутади. Мақсад домла ўзининг сербарака ижодий умрида 20 дан ортиқ мажмуаларга жамланган шеърлар, баллада ва достонлар, «Жалолиддин Мангуберди» ва «Мирзо Улуғбек» каби драмалар, 300 дан ортиқ илмий монография, тадқиқий рисола ва публицистик асарлари билан

юксак дидли, талабчан ўзбек китобхонларига маъқул бўлди. Инсониятни ларзага солган Иккинчи жаҳон урушининг ҳал қилувчи, ўта муҳим пайтда ёзувчимиз Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» тарихий драмаси дунёга келган.

Ҳозирги кунда барча адабиёт, санъат ахлига маълум ёшларимиз қалбida ўзгача ғуур туйғуларини жўш урдирадиган, телевидениеда талаблар асосида кунора жаранг сочадиган шоир Ботир Эргашевнинг айнан М.Шайхзода томонидан яратилган "Жалолиддин Мангуберди" драмасидаги "Улуғвор ниятларга кор қилмас ажал, Ким юртдан ёвни қувса, мендирман ўшал" мисрасидан илҳомланиб ёзган шеъри Озодбек Назарбеков томонидан маромига етказиб куйланиши ва бу қўшиқ халқимиз кўнглидан чуқур ўрин эгаллагани бунга ёрқин мисол. Асарда султон Жалолиддиннинг охирги сўзи сифатида қуидаги сатрлар келтирилади:

Бир кун пайдо бўламан шу юрт, шу ерда,
Юрт шайдоси кўринмас ғурбатда – гўрда.
Ким юртдан ёвни қувса, мендурман ўшал!
Улуғвор ниятларга кор қилмас ажал! [2. 1944 й.]

Ҳар бир адаб ва шоирнинг ижодида барчага манзур ижод маҳсуллари бўлади. Ўйлаймизки, юқоридаги сатрлар Мақсуд Шайхзоданинг барчага бирдай чуқур таъсир қиласидиган сатрлари десак муболаға бўлмайди.

Тошкент давлат транспорт университети асосан транспорт муҳандислари тайёрлайдиган ягона олий таълим муассасаси бўлиб, ҳозирги кунда мазкур университетда ўн олти мингдан ортиқ талabalар кундузги, сиртқи ҳамда масофавий шаклда таҳсил олиб келмоқда. Университет талabalari орасида санъатнинг барча йўналишлари бўйича кўплаб иқтидорларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Университет талabalari 2020 йилдан буён Мақсуд Шайхзода ижодини синчиклаб ўрганиб келмоқда.

Глобаллашув жараёни бизга жуда қўп ижобий янгиликларни олиб келмоқда. Аммо шу билан бир қаторда интернет цивилизацияси имкониятларидан инсониятни “чегарасизлик” балосига ҳам гирифтор қилмоқда. Бу эса ўз навбатида меъёрдан четга чиқсан хулқ-атворни жамият ривожи ва цивилизациясини инобатга олмаслик оқибатида бузилишига олиб келувчи девиацияни келтириб чиқармоқда. Кейинги 50 йил коммуникатив таъсир моделларини ривожлантириб келди. Мафкуравий кураш оммабоп тадбирлардан илмий технологик асосга ўтиб, профессионаллашди. “Ўнта уй бекаси ёки бешта врачдан кўра битта журналистни қўлга киритган афзал”, деган қоида амалга

кирди. Бугун ахборотни қабул қилувчи одамдан кўра уни бошқаларга етказадиган “фикр лидерлари”нинг мафкуравий қиммати ошди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай деб ёзган едилар: “Хозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёning геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафқуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда” [1. 2008. 115-бет].

Мамлакатимизнинг бугуни, келажак тараққиёти кўп жиҳатдан ёшларнинг интеллектуал салоҳиятига, ватанпарварлигига боғлиқ. Агар уларни соғлом, билимдон, халқпарвар қилиб тарбияласак, шубҳасиз, улар Ватан равнақи учун ҳисса қўша оладиган, унинг юксалишига дахлдор бўлган баркамол ва ижтимоий фаол шахслар бўлиб шаклланиши мукаррар. Албатта, бу борада биз таълимнинг ичига сингиб кетган тарбиянинг бекиёс кучи ва масъулиятини ҳис қилишимиз, ундан оқилона фойдаланишимиз жоиз. Муҳандис ёшлар онгига ва турмушига одоб ва ахлоқ ҳақидаги қарашларни сингдириб бориш, бўш вақт тушунчасини ҳаёт тарзларидан чиқариб ташлашга кўмаклашиш, илм-у зиёнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти нечоғлик улкан эканлигини уқтира билиш ниҳоятда зарур. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Гап ёшлар тарбияси ҳақида борар экан, бу борада шошмаслик, ёшлар ва ота-оналарнинг талабистакларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама пухта ўйлаб иш тутиш керак”,[1] - деган фикрлари ҳар бир педагогнинг дастурил амали бўлиши зарур. Чунки, таълим ва тарбия доимо бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Айниқса, адабиёт ва санъат асарларининг ёшларни юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялашдаги бадиий-эстетик таъсир хусусиятидан иложи борича кенгроқ фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Адабиёт ва санъат асарларининг кучи унинг халқчил ва тушунарлилигига, инсон ички дунёсига таъсир кўрсата олишидадир. Маънавий баркамол авлодни тарбиялашда адабиётнинг ана шу хусусиятини ҳисобга олиш муҳим. Шу нуқтаи назардан П.Жафаров ўзининг “Миллий ўзликни англаш ва маънавият” асарида қуйидаги фикрни келтириб ўтган: “Тарбия жараёнида ўзбек халқининг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш унинг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўла олади. Ёшларимиз маънавий тарбиясида Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби мумтоз сўз усталари асарларидан фойдаланишимиз улар қалбини, руҳий дунёсини маънавий

бойитишда катта аҳамиятга эгадир”. Ҳақиқатан, уларнинг бизга қолдирган бой бадий мероси чуқур фалсафий мазмуни, ахлоқий ёъналиши билан ажралиб туради. Маънавий тарбияда Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Сайд Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик каби ёзувчиларимиз, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мақсуд Шайхзода, Омон Матчон, Рауф Парфи каби шоирларимизнинг асар ва шеърларидан кенг фойдаланиш, бадий асарлар, улардаги қаҳрамонларнинг феъл-атвори, ахлоқи, маънавий дунёси тўғрисида сұхбат, мунозара ўтказиш катта самара беради. Айниқса, ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатлари бўлган яхшилик ва самимийлик, болаларга меҳр, катталарга хурмат, инсонпарварлик хислатларини ўзида мужассамлаштирган битиклар руҳият ва тарбия камолотида бекиёс кучга эга. Шахс маънавиятини шакллантириш ва қарор топтиришда сўз ғоявий таъсир воситаси сифатида намоён бўлади. “Яхши сўз- қиличдан ҳам кучли” деган гап бор. Ўз ўрнида ишлатилган сўзлар, ёрқин ва дилдан баён этилган нутқ, бაъмани фикр доимо кишиларнинг хулқ-атворига, маънавиятига, тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Пировард натижа ҳар томонлама камол топган, етук, баркамол шахсни шакллантиришга қаратилади. Тарбия жараёнининг энг асосий мақсади ҳар томонлама ва уйғун камол топган, янгича фикрлайдиган шахсни шакллантиришdir. Бу қийин жараёнда бадий асарлардан кенг фойдаланиш, ўзаро муҳокамалар ташкил қилиш икки томонлама бўлиб, тарбиячидан уюштириш ва раҳбарликни бошқариш, ўзига хос нотиқлик қобилияти ва мулоқот психологиясини яхши ўзлаштирганлик, тарбияланувчи шахслардан фаоллик кўрсатиш талаб қилинади. Демак, тарбия жараёни умумисоний миллий ва ҳар бир шахснинг ўзига хос қобилиятларини ривожлантирувчи ижтимоий жараён бўлиб, унда адабиёт манбаларининг аҳамияти юксакдир.

Биз ўз олдимизга Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансга эришишдек буюк мақсадлар қўйган эканмиз, ўсиб келаётган ёш авлод онгida миллий ғуур va ифтихор туйғуларини чуқур сингдиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларни изчил давом эттироғимиз лозим.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 20.12.2022. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 20 май куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонидаги нутқи.

3. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент.: Маънавият, 2008. 115-бет.
4. Шайхзода М. Жалолиддин Мангуберди. Т.: 1944.
5. Baratov, R. (2021). Prospects of Higher Education System (on the Example of Uzbekistan). *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 128-131.
6. Баратов, Р. Ў. (2022). ТРАНСПОРТ ТИЗИМИДА ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(TSTU Conference 1), 90-95.
7. Baratov, R. U. (2019). INTEGRATION OF A SCIENCE, FORMATION AND MANUFACTURE IN THE COURSE OF PROFESSIONAL TRAINING. In *ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ: ПОЛИТОЛОГИЯ, СОЦИОЛОГИЯ, ФИЛОСОФИЯ, ИСТОРИЯ* (pp. 51-54).
8. Baratov, R., & Uzbekova, S. (2022). INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRODUCTION IN THE PROCESS OF TRAINING. *World scientific research journal*, 4(2), 7-11.
9. Baratov, R., & Uzbekova, S. (2022). INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRODUCTION IN THE PROCESS OF TRAINING. *World scientific research journal*, 4(2), 7-11.
10. Кушаков, Ф. А., Ҳасанов, М. Н., Баратов, Р. Ў., Раматов, Ж. С., & Султанов, С. Ҳ. (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 803-810.
11. Раматов, Ж. С., Муратова, Д., Султанов, С. Ҳ., Тухтабоев, Э., Кушаков, Ф., & Ҳасанов, М. Н. (2022). ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ВА ҚАДРИЯТЛАР ПЛЮРАЛИЗМИ. *World scientific research journal*, 8(1), 102-108.
12. Раматов, Ж.С., Баратов, Р.Ӯ., Султанов, С.Ҳ., Муратова, Д.А., Ҳасанов, М.Н., & Эрниёзов, У.К. (2022). ЁШЛАР ЗАМОНАВИЙ МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНМОҲИЯТИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (10), 376-386.
13. Hasanov, M., & Tuhtaboev, E. (2021). THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS). *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(05), 1-6.
14. Hasanov, M., & Tuhtaboev, E. (2021). THE PERFORMANCE OF THE PERFECT MAN IN THE EASTERN RENESSANCE (ON THE EXAMPLE OF FARABI'S VIEWS). *Innovative Technologica: Methodical Research Journal*, 2(05), 1-6.

15. Ҳасанов, М. Н., Ҳафизов, Д. А., Тоиров, Р. Х., & Болтабоев, Х. Қ. (2022). АБУ НАСР ФОРОБИЙ ЯШАГАН ДАВРДАГИ ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ.
16. Ramatov, J., Umarova, R., Baratov, R., Khasanov, M., Sultonov, S., & Kushakov, F. (2022). MODERN REQUIREMENTS FOR THE SPIRITUAL IMAGE OF YOUNG PEOPLE AND ITS MANIFESTATION IN PRACTICE. *Academic research in educational sciences*, 3(10), 582-586.
17. Ramatov, J.S., & Khasanov, M.N. (2022). SOCIAL ASPECTS OF PROFESSIONAL QUALITY IMPROVEMENT (ON THE EXAMPLE OF THE RAILWAY SECTOR). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 969-976.
18. Раматов, Ж.С., Валиев, Л.А., & Ҳасанов, М.Н. (2022). XIX АСРДА ҲИНДИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ – ФАЛСАФИЙ ЖАРАЁНЛАР. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (6), 1070-1078.
19. Жўрабоев, Н. Ю., Кушаков, Ф. А., Султанов, С. Ҳ., & Ҳасанов, М. Н. (2022). КОНФУЦИЙЛИК ХУСУСИЯТЛАРИДАН ХИТОЙ ФАЛСАФАСИНИНГ КЕНГАЙИШИ. *World scientific research journal*, 9(2), 37-42.
20. Ruzigul, U., Nasirjan, J., Dilmurodkhakim, A., Mirshod, H., & Urozboy, E. (2020). Rationale and history of human reflections in the muslim philosophy. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1453-1458.